

Сийрат дарслари (224-дарс) Аллоҳнинг ҳузурида энг ёмон одам



19:00 / 31.03.2023 4468

873. Собит ибн Заҳҳок розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ким Ислом миллатидан бошқа нарса билан ёлғон қасам ичса, у ўзи айтганидекдир. Ким бир нарса билан ўзини ўзи ўлдирса, ўша нарса билан жаҳаннам оловида азобланади. Кишига ўзи эга бўлмаган нарсада назр йўқ»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда:

«Мўминни лаънатлаш худди уни қатл этган кабидир. Ким мўмин кишини кофирга чиқарса, худди уни қатл этган билан баробардир»,

дейилган.

Бухорий ривоят қилган.

Яна бошқа ривоятда:

«Ким нарсасини кўпайтириш учун ёлғон даъво қилса, Аллоҳ унга оздан бошқани зиёда қилмайди»ни зиёда қилган.

Муслим ривоят қилган.

874. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳнинг ҳузурида энг ёмон одам учтадир: Ҳарамда диндан чиққан, Исломда жоҳилият суннатини истаган ва кишининг қонини тўкиш учун ноҳақдан қон талаб қилган».**

Бухорий ривоят қилган.

875. Муғййра ибн Шуъба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: **«Албатта, Аллоҳга сизларга уч нарсани: қийлу қолни (бефойда сўзлаш), молни зое қилишни ва кўп савол (бериш)ни ёмон кўрди»**, деяётганларини эшитдим».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Бошқа ривоятда:

«Албатта, Аллоҳ сизларга оналарга оқ бўлишни, қизларни тирик кўмишни, (ҳуқуқларни) ман қилишни, «бер-бер» дейишни ҳаром қилди. Ва яна сизларга қийлу қолни, кўп саволни ва молни зое қилишни ёмон кўрди», дейилган.

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.